

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (10.932)

Баҳоси эркин нарҳда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамнингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азоб-уқубатлар, синов ва таътиқларни бошидан кечирган, халқаро майдонда обрў-эътибор қозongan ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслаймиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадраймиз.

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдида ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта маъсулиятли вазифаларни қўймоқда.

Авваламбор, сўз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишига имкон яратиш ва бу йўлдаги барча говларни олиб ташлаш, бугун чидаб бўлмайдиган эскича қараш ва қолдиқлардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафақат қонунларимиз, балки амалий ҳаётимизда ҳам татбиқ этиш — буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, ўйлайманки, барчангиз бунга қўшилсиз.

Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган омма-

вий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айлиниши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз.

Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бунинг тасдиғини нафақат кўнгина марказий нашрлар, айна вақтда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий кўринишларига қараб ҳам сезиш қийин эмас.

Бир сўз билан айтганда, муштарийлар қўлига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки ўзининг маъно-маъмуни ва кўриниши, балки сифати билан ҳам ажралиб туриши кувончлидир.

Айна пайтда жамиятимизни янада демократлаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоқлари моддий базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада хизмат қилаётганларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, газета ва журналлар таҳририятлари эркинлиги ва мустақиллигини, шу билан бирга, маъсулиятини оширишни ҳам тақозо этади.

Ўйлайманки, нафақат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг эътиборини ҳам шу масалага қаратиш ҳар томонлама ўринли бўлур эди. Бу борада ўзимизда ва тараққий этган давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, ўзини оқлаган ютуқларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Сизларни бугунги кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сihat-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ҲАР ЙИЛИ 27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛанади.

Тадбир

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган тадбир мазкур санага бағишланди. Унда турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, фахрий журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш ва демократиялаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни халқимизга тезкор, ҳолис, ҳаққоний тарзда етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти гоят катта эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг эркин, ошқора ва самарали фаолият кўрсатиши учун жа-

ҳон андозалари даражасида шароит яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, касбий малакасини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Олий журналистика курсида журналист кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бугунги шиддат билан ўзгараётган, турли мафқуравий ва ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган мураккаб давр журналистлардан янада фаол, теран тафаккур соҳиб бўлиши, Ватанимизнинг, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоясига айланиши талаб этаётди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томо-

нидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танловининг натижалари эълон қилинди. Фойлибларга совринлар топширилди.

Анжуманда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида самарали фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг махсус мукофотлари топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2006" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Орифжон АҲМЕДОВ, — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлари бош муҳаррири катта муҳаррири — "Бир асар тарихи" маънавий-маърифий ва бадий мавзудаги туркум курсатувлари учун

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, — "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз муҳбири — жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ва чуқур ёритгани учун

Ирина КОЧЕРГИНА, — "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири ўринбосари — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун

Зебинса МИРЗАҲАКИМОВА, — "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳрири катта му-

ҳаррири — мустақиллик мавзусидаги ва таълим йўналишидаги туркум адабиётларини яратишдаги хизматлари учун

Михли САФАРОВ, — "Халқ сўзи" газетаси шарҳловчиси — маънавий ва маърифат мавзуларидаги мақолалари туркуми учун

Бахтиёр ТЎРАХОНОВ, — Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялари телетармоғининг "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури муҳаррири — халқаро мавзудаги курсатувлари учун

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Шоҳида АБДУАЛИМОВА, — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" муҳаррири катта муҳаррири

Собир ДАДАҲУЖАЕВ, — (Фаргона вилояти) "Водил ёғдуси" газетаси муҳаррири Муаззамхон ИБРАГИМОВА, — (Анджон вилояти) "Дийдор" нодавлат FM радиостанцияси муҳаррири

(Давоми 2-бетда)

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, шунингдек, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йилги Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислам Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Мухаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация кеча Тошкентда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюрди.

Тошкент вилоятида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводни бунёд этиш ишлари бошланди. Оҳангарон шаҳри sanoat худудида Германиянинг «Штайнерт индустри» компанияси инвестициялари иштирокида қурилаётган корхонада келгусида замонавий технология анжумлар ёрдамида манзарали гишт, черепица ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарлари ва материаллар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Тошкентдаги «Истиклол» спорт мажмуида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини-футбол ҳамда стол теннис буйича мусобақалар журналистларнинг касб байрамлари муносабати билан уюштирилди.

Сурхондарё вилояти, Қизилқум туманидаги «Истиклол» маҳалласи болалари янги ўқув йилини барча қулайликларга эга замонавий мактабда қутиб оладилар. Бу ерда 490 ўринли икки қаватли мактаб биноси «Амузанинг қурилиши» МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилди.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бобур номидаги маданият ва истроҳат боғида ўтказилган мусиқа байрамининг ташкилотчилиги бўлишди.

Олмалик шаҳар ҳокимлиги «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига асосан шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган 30 нафар меҳнат фахрийси учун Самарқандга саёҳат уюштирди.

ЖАҲОНДА

Буюк Британиянинг собиқ молия вазири Гордон Браун кечадан буён Бош вазир сифатида мамлакат ҳукуматини бошқара бошладди.

Куддусда Европа Иттифоқи, БМТ, Россия ва АКШдан иборат Яқин Шарқ бўйича тузилган «тўртлик» вакиллари минтақадаги вазиятни муҳокама этишга киришдилар. Айтиш кераки, Ғазо сектори ХАМАС назоратида ўтганидан сўнг «тўртлик» илк бор учрашмоқда. Куддусдаги учрашув бошланишига бир неча соат қолганда, ХАМАС ФАТХ билан мулоқотни қайта бошлашга тайёр эканини маълум қилди.

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр БМТнинг Яқин Шарқдаги махсус вакили этиб тайинланди. Блэрнинг бугунги кундаги асосий вазифаси Фаластин-Исроил можаросини ечиш, Фаластин мухториятига ҳар томонлама қўмақлашиш бўлиб қолади.

Маълумки, Португалия Германиядан Европа Иттифоқида раислик қилиш вазифасини шу йилнинг биринчи июлидан бошлаб қабул қилиб олади ва йил охиригача ушбу ташкилотни идора қилади. Шу муносабат билан кеча Португалия Бош вазири Жозе Сокураташ ўз чиқишида ЕИнинг қолган ярим йилликдаги сиёсатини белгилаш юзасидан мамлакатнинг режаларини баён этди.

Венесуэла Президенти Уго Чавес расмий ташриф билан Москвага келмоқда. Лотин Америкаси Республикаси етакчисининг таъкидлашича, у Россияда мамлакат суверенитети, мудофааси ва яхлитлиги билан боғлиқ олий стратегик даражадаги мавзуларни муҳокама этиш ниятида.

Бундан уч кун аввал йўқолган Камбоджанинг PMT Air авиакомпаниясига қарашли Ан-24 самолётининг парчаларини қутқарувчилар кеча кечқурун чаңгалзордан топдилар. Самолётда 22 нафар Жанубий Корея ва чехиялик сайёҳлар ҳамда Камбоджа фуқаролари бўлиб, уларнинг барчаси ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Кеча кучли жазирама оқибатида АКШнинг Нью-Йорк шаҳридаги бир неча электр подстанцияларининг бузилганлиги туфайли шаҳар бир неча соат давомида электр қувватисиз қолди. Ушбу ҳодиса шаҳарнинг метро тизимида айниқса катта ноқулайликларни келтириб чиқарди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 июнь кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

27 ИЮНЬ КУНИ ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНING ҚЎМИТАЛАРИДА СЕНАТИНING БЎЛАЖАК ҲАҚИДА

ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИШ МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Қўмиталарнинг мажлислари «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини батафсил муҳокама қилишдан бошланди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

фармонларига мувофиқ тайёрланган мазкур қонунлар жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини босқичма-босқич либераллаштириш ишида, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим бошқич эканлигини таъкидладилар. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик принципларига содиқ эканлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя қилинаётганлигининг яна бир тасдиғидир.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маълумлаш учун Сенатга юборилган бошқа қонунларни ҳам муҳокама қилдилар. Булар орасида «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Хусусан, сенаторлар Қонунда тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техникавий воситалари-

ни, шунингдек, уларни ишлатиш соҳасидаги хизматларни солиққа солишининг ҳамма турларидан озод қилиш назарда тутилганлигига эътиборни қаратдилар. Шундан кейин улар «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Мазкур Қонун қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш учун шароит яратиш, унинг очик-ошқоралигини ва барқарор ишлашини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, шунингдек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ҳамда ислоҳ қилиш билан боғлиқ асосий вазифалардан бири Ўзбекистонда исчилик бажарилаётганлигининг асосий ва салмоқли дилгирлидир.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари жамланган мажлисда «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди. Сенаторлар таъсис этилаётган медалнинг Ўзбекистон фуқароларини Ватанга ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта маънавий-ахлоқий аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Ташки сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибидан жой оладиган қонунлар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Шу билан бир қаторда парламент юқори палатасининг аъзолари қўмиталар мажлисларида жорий йилнинг ўтган давридаги ўз фаолиятлари якунларини таҳлил қилдилар, ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

МУРОДАЛИ ҲОЖИ ЖУМАНОВ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН САВОБ ИШЛАР БУТУН ДУНЁ МУСУЛМОНЛАРИ УЧУН НАМУНА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

Илгари хабар қилинганидек, жорий йил август ойида Тошкентга дунёнинг қатор мамлакатларидан тарихчилар, археологлар, Марказий Осиё халқлари маданияти ва санъати тадқиқотчилари, диншунослар, дин ва жамоатчилик арбоблари таширф буюришди. Улар мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтadigan Тошкент тарихи ва унинг бугунги кунини, шунингдек, Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётида тутган ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этишди. Анжуман Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (IYESCO) томонидан Тошкент 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилинганига бағишланади.

фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. У конференция давомида тўласинча тақдим этилади. Кўйида эса муфтий ҳазратларининг айрим диққатга молик фикр-уйлари эътиборингизга ҳавола этилади: «Кўхна Мовароуннахр фарзандларининг асарлари инсоният тафаккури тарихига олтин саҳифалар билан битилган, - деб ёзади у. - Маълумки, Бухоро, Самарқанд, Хива, Насаф, Термиз каби шаҳарлар ислом илмининг марказлари бўлиб, уларда бутун дунё илм-фан оламининг энг кўзга кўринган вакиллари фаолият кўрсатишган. Бу шаҳарлар ислом фани, маданияти ва цивилизациясининг олтин асрига гувоҳ бўлган.

диний арбоблар ҳам ана шундай улуглар сирасига қиради.

Буюк қомусий олимлар, шоир ва давлат арбоблари, Мовароуннахрнинг улуг фарзандлари - Абу Носир ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Замахшарий ва бошқалар фалсафа, рўшунослик, жамиятшунослик, ахлоқ, иктисодиёт, тиббиётшунослик, астрономия, математика, жўрофия, филология, тарихшунослик каби фанларнинг ривожига муҳим туртки беришган.

Мусулмон давлатларидаги тадқиқотчиларнинг бир овоздан таъкидлашларича, мовароуннахрлик олим ва илоҳиётшунослар томонидан VI-XII асрлар давомида яратилган асарлар ҳозирги кунда ҳам бутун дунё мусулмонлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ҳақли равишда инсоният цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан бири саналади. Бу заминдан етишиб чиққан буюк олимлар, давлат ва дин арбоблари инсоният тафаккури ҳазинасидан мангу жой олган бебаҳо асарларни мерос қолдирганлар.

Бу заминда халқнинг маънавий қадриятлари тизимида алоҳида ўрин тутган ва тутаётган китоблар қадим-қадим даврлардан юксак даражада қадрлаб келинади. Китобларни олтин, қумуш ва қимматбаҳо тошлар билан бирга сақлашган...

ган ва тутаётган китоблар қадим-қадим даврлардан юксак даражада қадрлаб келинади. Китобларни олтин, қумуш ва қимматбаҳо тошлар билан бирга сақлашган...

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига яшаб ижод этган буюк мутафаккирларнинг бебаҳо қўлёзмаларини асраб-авайлаш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасига нисбатан ҳурмат-эҳтиром намунаси бўлган ҳолда халқнинг маънавий бойликларни тўплаш ва асраб-авайлаш бўлган интилишини ҳам акс эттиради.

Биз Ўзбекистонда қадимий қўлёзмалар нафақат асраб-авайланаётгани, балки улар синчковлик билан ўрганилаётганини ҳам яқини биламиз. Бундай бойликларни сақлаш ва уларни тадқиқ этишнинг асосий марказларидан бири Тошкент Давлат шарқшунослик институтидир. Бунда, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур илмий муассасада дунёнинг турли мамлакатларидаги қадимий қўлёзмаларни ўрганиш билан шуғулланувчи барча етакчи олимлар билан алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистонда динимизнинг кўхна ва бебаҳо ҳазинаси ҳисобланадиган муқаддас Куръон китобининг нусхалари сақланмоқда.

Ўзбекистонда ислом динининг буюк меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган саваб ишлар бутун дунё мусулмонлари учун намуна бўлиб хизмат қилади».

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН "ИЛМНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ - 2006" ТАНЛОВИ ҲОЛИБЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дилором ИКРОМОВА, — "Тошкент оқшом" газетаси маънавият-маърифат бўлими мудири Шухрат МИРФАЯЗОВ, — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи раҳбари

Аребжан МУХАМЕДЖАНОВ, — "Садо" газетаси бош муҳаррири

Норали ОЧИЛОВ, — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти тахририятининг бош муҳаррири

Салима УМАРОВА, — (Навоий вилояти) "Дўстлик байроғи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Акбар УСМОНОВ, — (Самарқанд вилояти) фахрий журналист, "Овози тожик" газетасининг жамоатчи муҳбири

Бехзод ҲОЖИМАТОВ, — UZ Report.com Интернет портали муҳбири

Усмон КЎЧКОРОВ, — "Маънавият" нашриёти бош муҳаррири

ТОШКЕНТДАГИ ЭНГ ЯХШИ ЭКИПАЖ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ ЧИКИНДИНИ ҚАЙТА ТАШИШ СТАНЦИЯСИДА "МАХСУСТРАНС ТИЗИМИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ЭКИПАЖ" КЎРИК ТАНЛОВИНИНГ ҲОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мамлакатимизда олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш, обдонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари таҳсинга сазовордир. Кўча ва хиёбонларни, маҳаллаларни тоза сақлаш, маиший чиқиндиларни вақтида олиб чиқиш кетилишини таъминлаш, умуман экологик вазиятни барқарорлаштиришда "Махсустрэнс" ишлаб-чиқариш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг фаолияти эътиборга молик. Мана шу заҳматкаш кишиларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва тозаликни янада барқарорлаштириш мақсадида "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан 2006 йилда "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида "Махсустрэнс" тизимидаги энг яхши экипаж" кўрик-танлови эълон қилинган эди. Унда "Махсустрэнс" ишлаб-чиқариш бошқармасининг барча туманларидаги экипажлари фаол иштирок этди.

Ҳолибларни тақдирлаш маросимида таъкидланганидек, Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши натижасида кейинги йилларда азим Тошкент шаҳри янада чирой очди. Янги боғлар, равон кўчалар, муаззам бинолар, маҳобатли кўприklar, хиёбонлар барпо қилинди. Албатта пойтахтнинг кундан-кунга чирой очилиши, тоза ва озода, кўркем бўлишида "Махсустрэнс" жамоасининг ўрни беқеъис. Хусусан, бу борада Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Махсустрэнс" ишлаб-чиқариш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг кечаю кундуз кўчаларни, маҳаллаларни тоза сақлашда, қаттиқ ҳолдаги маиший чиқиндиларни вақтида олиб чиқиш кетилишини таъминлаш йўлидаги фаолияти эътиборга молик.

Маълумки, 2000 йилдан бошлаб "Тошкент шаҳрининг санитар ҳолатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш" инвестицион лойиҳаси доирасида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш дастури амалга оширилмоқда. Унга кўра қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ инфратизимни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Аҳоли турар жойларига қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғишга мўлжалланган 390 та кўриқланадиган ва 750 та кўриқланмайдиган пунктлар қурилди, 13 мингта контейнер сотиб олинди. Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва транспортировка қилиш тизимини яхшилаш мақсадида чиқиндиларни ташиш қичувчи машиналар сотиб олинди. Пойтахтнинг Ҳамза, Яккасарой, Юнусобод туманларида чиқиндини қайта ташиш станциялари қурилди. Техникани эксплуатация, таъмирлаш ва бошқа хизматларни яхшилаш учун "Махсустрэнс"нинг гаражлари, марказий таъмирлаш устaxonаси қайтадан таъмирланиб реконструкция қилинди ва янги хизмат кўрсатиш техникалари сотиб олинди.

"Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган танлов ҳам мана шу эришилган ижобий натижаларни сақлаб қолиш, юқорида баён қилинган муаммолар, муҳим масалаларга "Махсустрэнс" ишлаб-чиқариш бошқармаси ишчилари мисолида жамоатчиликни жалб этиш ва бевосита иштирокини таъминлаш, бу соҳадаги илғор тажрибаларни мамлакатимиз миқёсида тарғиб қилишга қаратилган.

Танловда "Махсустрэнс" ишлаб-чиқариш бошқармасининг барча туман ташкилотлари экипажлари фаол иштирок этди. Ҳолиблар махсус чиқинди ташувчи автомобилнинг техник ва санитар ҳолати, экипаж аъзоларининг ташқи кўриниши ва махсус кийим-кечаги, экипажнинг маршрут жадвалига риоя қилиши, экипаж томонидан юк ташиш ҳажми режасининг бажарилиши, экипаж учун хизмат кўрсатишга белгиланган объектнинг санитар ҳолати, бу ҳақда маҳаллалар, маҳаллий поликлиника, санитария-эпидемиология маркази, хусусий турар жой ўртоқликлари (ТСЖ) берган тафсиҳнома, экипажнинг ёқилғимой махсулотлардан фойдаланишдаги тежамкорлиги каби мезонлар асосида аниқланди.

Танловда биринчи ўринни "Миробод-Махсустрэнс" АТП экипажи, иккинчи ўринни "М. Улуғбек-Махсустрэнс" АТП экипажи, учинчи ўринни эса "Яккасарой-Махсустрэнс" АТП экипажи эгаллади. Танлов Ҳолиблари ташкилотларининг диплом ва эс-далиқ совгалари билан тақдирланди.


Мадина УСМОНОВА, "Туркистон-пресс"

Бебаҳо неъматларимиз

СУВ СИФАТИ ДАВЛАТ СТАНДАРТИГА МОСЛАШТИРИЛДИ

наси ўрнатилди. Яқинда эса Сергели оқова сувларини кўтариш насос станцияси Швециянинг "Fyud" компанияси насослари билан жиҳозланди. Пировадда бу электр энергия харажатларини 30 фоизга камайтириш имконини берди.

Шунингдек, шаҳар ҳокимияти ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида имзоланган шартномага биноан, 2007 йилда "Тошкент шаҳрини сув билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш" инвестицион лойиҳаси доирасида катор ишларнинг амалга оширилиши режалаштирилган.



Жумладан, Қибрай сув иншоотларига 62 та, "Бўзсув" ва Қодирия бош сув иншоотларига эса жами бўлиб 24 та автоматлаштирилган насосларни ўрнатиш, сув сифатини назорат қилувчи замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш режалаштирилган. Мазкур станциялар билан бевосита боғланган 980 погон метрлик узунликдаги юқори босимли каналлизация

кувурларини ётқизиш кўзда тутилган. Бунинг учун 300 миллион сўмлик маблаг ажратилди. Шу йил якунига қадар эса кўп қаватли уйлarning сув насосларини замонавий турларига алмаштириш, 11 километр узунликдаги ичимлик суви қувурларини янгиланиши ниҳоятга етказиш мўлжалланган.

Олдимизда турган юмушлардан бири аҳоли турар жойларини ичимлик ва иссиқ сув сарфини ўлчаш приборлари билан таъминлашдан иборат. Шу мақсадда Хитой Халқ Республикаси билан мамлакатимиз ўртасида имзоланган "Ўзбекистон Реассурэнс" тизимида турар жой фондини ичимлик ва иссиқ сув сарфини ўлчаш приборлари билан таъминлаш" тўғрисидаги инвестицион лойиҳага биноан, 2008 йил 1 июлга қадар, Тошкент шаҳри бўйича 278000 донга ўлчатиш ўрнатилиши зарур. Ҳозирги кунга қадар уларни ўрнатиш режаси ижтимоий-маиший ва спорт қорxonалари тизимида 98 фоизга бажарилди. Кўп қаватли турар жой бинолари ва квартираларда 43, хусусий хонадонларда эса 33 фоизга урдаланди. Олиб борилган ташкилий-техник тадбирлар туяфайли 911 миллион сўмлик электр қуввати тежаб қолинди. Ортиқ сув харажатларининг олди олинди.

Ўтган йилги энг катта ютуқларимиздан бири аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувини тозалаш, зарарсизлантириш ва унинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш бораида юқори натижаларга эришилгандир. Сув сифати жиҳатидан "Удавстандарт"нинг 950:2000 талаб-кўрсаткичларига тўлиқ мослаштирилди. Юқорида таъкидланганидек, агар бош сув иншоотлари замонавий лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланса, бу кўрсаткичнинг янада яхшиланишига эришилди.

Усмон УСМОНОВ

2007 — Ижтимоий Ҳимоя

Йили

Хайрли ишлар белгиланган олинди

ЎТИБ БОРАЁТГАН ЙИЛИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ СИФАТИДА ЭТИРОФ ЭТИЛИШИ, БУ БОРАДАГИ АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ ЎЗ ИЧИГА ҚАМРАБ ОЛГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МАЪНАВИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ТАРЗИМИДА ЯНГИЧА ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШЛАБ БЕРДИ.

Шу маънода Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ташаббуси билан "Абдор" қаҳвахонасида ўтказилган хайрия кечаси фикримизнинг исботидир. Мазкур тадбир "Ўзбекистон кўзи охишлар жамияти" ташкил этилганлигининг 75 йиллиги муносабати билан уюштирилди. Унга туман ҳудудига истиқомат қилувчи кўзи охиш кексалар, ижтимоий Ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари тақдирланди.

Тадбирда сўз олган туман Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими мудири Ҳалима Жуманиёзова, туман хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси Саида Гафурова, Ижтимоий-иқтисодий таъминот мажмуаси бош мутахассиси Шухрат Носиров, "Бўз-8" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Умаровлар мамлакатимизда аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилиш бораида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар, бу борада қабул қилинаётган ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, туман маҳаллаларида ижтимоий Ҳимояга муҳтож оила вакиллари, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган хонадонларга «Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида

да моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оила фарзандларининг бир гуруҳи «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти тасарруфидоги «Белдирсой» болалар дам олиш оромгоҳига имтиёзли йўлланмалар билан жўнатилди. Ҳозирда эса «Зи-ллага» оромгоҳига йўлланма бериш ишлари охирига етказилмоқда.

«Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат дастури белгиланган вазифалар миқёси бу ишлар билан чекланиб қолгани йўқ. Бинобарин, тақдир тақозоси билан ёруғ дунёни кўриш имконидан маҳрум бўлган кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг соғлигини муҳофаза этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада махсус режа доирасида бир қатор хайрли ишлар белгиланган олинган.

Шу маънода тадбир иштирокчилари ўзининг ҳоимийлик саховатини аямаган «Абдор» қаҳвахонаси бош директори Абдор Жўраев бошчилигидаги меҳридарё инсонларга ўзларининг самимий миннатдорчиликларини изҳор этишди. Айниқса, таниқли эстрада хонандалари Саъдулла Мирҳодиев раҳбарлигидаги «Феруза», Раҳимахон Юсупова етакчилигидаги «Гулшан» эстрада гуруҳларининг қўшиқлари даврага янада фазл олиб кирди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Ёз—ўтмоқда соз

Кўнгили ҳордиқ чиқаришди

ТУМАН МАКТАБЛАРИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИ ЎЗ БАҲРИГА МИНГЛАБ ЎГИЛ-ҚИЗЛАРНИ ОЛГАНЛИГИДАН ХАВАРИНГИЗ БОР. АНА ШУНДАЙ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИДАН БИРИ—ЮНУСОБОД ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 235-МАКТАБ ҲУЗУРИДАГИ «ГУНЧА» БОЛАЛАР ОРОМГОҲИ ХИСОБЛАНАДИ.

Кун кеча ушбу дам олиш масканида болажонларнинг ҳордиқ чиқариш онларини мароқли ташкил этиш мақсадида «Кўёш байрами» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

— Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътиллари мароқли ўтказиш биз — педагоглардан ўзига хос масъулият талаб этади,— дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Юнусобод туман ўқувчилар ижодиёт маркази директори вазифасини бажарувчиси Сурайё Бобоева.— Шу маънода бугунги кўрик-танлов низоми, тартиб-қоидалари кўп йиллик тажрибага эга, малакали ўқитувчиларимизнинг изланишлари махсуслидир.

Кўрик-танлов давомида 235-мактаб қошидаги «Гунча» болалар оромгоҳи бошлиғи Матлуба Адилова, халқ таълими аълочиси Гулсина Урунова, Зухра Йўлдошева, Абдуғани Ёқубов, Дилдора Рашидова сингари мураббийлар ҳакамчилигида «Кўшиқ калейдоскопи», «Кувноқ аукцион», «Биз кўёшчи чизамиз», «Кўёшли ўтлоқ» деб номланган шартлар бўйича «Энг яхши мусиқа ижроси учун», «Энг антиқа чизилган расм учун», «Энг яхши фикр-мулоҳаза учун», «Энг яхши удабуронлик ва чаконлик учун» номинациялари Ҳолиблари аниқланди. Уларга Фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Эндиликда шу каби тадбирлар тумандаги 274-302-мактаблардаги оромгоҳларда ҳам давом этади.

Хумоюн АЛИЕВ



Алоқа

ЎЗБЕК ПОЧТА МАРКАЛАРИ ДУНЁ КЕЗАДИ

ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ, ПОЧТА АЛОҚАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎПЛАБ НАШРЛАРНИ ЧОП ЭТИШГА ҚИРИШИЛДИ. «ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ БУ ИЛ БОСМА МАХСУЛОТЛАРНИ ЧОП ЭТИШ УЧУН КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРДИ.

Жамият 1992 йилда ўзининг дастлабки махсулотини муомалага чиқарди. Ўзбек мумтоз адабиётининг вакиласи Нодирабегимга бағишланган бу почта маркалари ўзига хос дизайни билан ҳам ажралиб туради. Моҳларойим деган ном билан машҳур бўлган шоира таваллудининг 200 йиллигига соғва қилиб чиқарилган бу махсулотдан сўнг янба халқнинг донгдор кишиларига бағишланган яна кўпгина маркалар босма юзини кўрди.

Ўзбекистон почта маркалари каталоглари юзага келди. Бугунги кунда ўзининг 15 йиллигини нишонлаётган «Ўзбекистон почтаси» жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали шу сангага бағишлаб «Ўзбекистон архитектура» почта маркалари тўпламини тортиқ этди. Бу нашр Тошкент, Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларидаги меъморий ёдгорликларга бағишланган бўлиб, жами 12 та почта маркаси тўплами ҳамда 4 та купондан ташкил топди. Купонлар ҳар бир шаҳарга хос нақшлар билан безатилган. Қадимий шаҳарларнинг тарихий обидалари тасвири туширилган махсус хотира тамгаларида гўзал лавҳалар акс этган. Уларга битилган ёзувлар эса ўзбек тилининг лотин алифбосида ифодаланган.

Эндиликда «Ўзбекистон архитектура» почта маркалари хат орқали дунё бўйлаб тарқала бошлади.

Акбар АЛИЕВ



№5/177 Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

— Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бундан қонунчилиги, 2006-2010 йилларга мўлжалланган экологик жиҳатдан соғломлаштиришнинг ҳудудий дастурини бажариш билан боғлиқ даярлик барча вазирлар хизматларимизнинг доимий диққат-эътиборидадир, — дейди Ш.Хикматов. — Объектлар, табиатдан фойдаланишни меъёрлаштириш юзасидан доимий давлат назорати олиб борилади, кўча ва стационар атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини асбоб-анжомлар билан ўлчай олиш амалга оширилади. Ичимлик суви ва оқова сувлар тармоқлари, атмосферани ифлослантириш даражаси мониторингини ўтказиш постлари модернизация қилинмоқда, хусусан, Салор аэрация станциясининг қўйи қисмида Салор каналининг ифлосланиши даражасини кузатиш бўйича янги пост ташкил этилди, шаҳарни қўқаламзорлаштириш бўйича оммавий тadbирлар ўтказилди.

Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий жамғарманинг маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги Ботаника боғи ҳудудига ноёб манзарали ўсимликлар ниҳолхонасини ташкил этиш бўйича ишлар давом эттирилди, шаҳар ер ости сувлари ҳолати юзасидан назоратни амалга ошириш учун кузатув мониторинг тармоқларини уюштириш бўйича тақдирлар тайёрланди.

Чикиндиларни утиллаштириш, товон тўловларининг экологик экспертизаси масалалари бўйича ҳам ишлар олдинга силжиб бормоқда.

— Шу ўринда табиатни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни рағбатлантиришда товон тўловларининг роли масаласини ҳам ойдинлаштириб ўтсангиз.

— Албатта, товон тўловларини белгилашда ҳужжатларни рағбатлантириш табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигида риоя этилиши таъминлаш, уларнинг экологик саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш мақсадлари кўзда тутилди.

Зеро, шуни таъкидлаш керакики, шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, пойтахтда 24 мингдан ортиқ ҳўжалик субъектлари мавжуд.

мутахассислар диққат-эътиборида турган атроф-муҳитни ифлослантирувчилар рўйхатида эса 1140 атрофдаги корхоналар бор. Бу корхоналарни табиатга салбий таъсир кўрсатувчилар сифатида баҳолаш мумкин. Жумладан товон тўловлари бўйича катта қарздорликка эга энг

Мусохаба

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДАГИ ФАОЛИЯТ

МАМЛАКАТИМИЗДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ. БУ БОРАДА ЎЗИГА ХОС МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗ МАВЖУД БЎЛИБ, УШБУ ЙЎНАЛИШДАГИ СИЁСАТ КОНСТИТУЦИЯ, АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИ КОНЦЕПЦИЯСИ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ВА ЙОХАННЕСБУРГ ДЕКЛАРАЦИЯЛАРИ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ВА БИТИМЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВА РЕСПУБЛИКАМИЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЮРИТИЛАДИ. МАЗКУР СИЁСАТ ТАБИАТНИНГ АЛОҲИДА ЭЛЕМЕНТЛАРИ МУҲОФАЗАСИДАН ТОРТИБ, ЭКОТИЗИМЛАРНИНГ УМУМИЙ ҲИМОЯСИ, ИНСОННИНГ ҲАЁТ КЕЧИРИШ МУҲИТИНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАСОЛАТЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН. ЮҚОРИДАГИЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА, «ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА», «СУВ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА», «АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА», «ЧИКИНДИЛАР ТЎҒРИСИДА» ҲАМДА БОШҚА ҚОНУНЛАР АСОСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТАДИ. ҚЎМИТАНИНГ РАИСИ ШУКУРУЛЛА ҲИҚМАТОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ҲАМ БУ БОРАДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР ЭРИШИЛАЁТГАНИ ҲАМДА КЕЛГУВАЦИДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЛОЗИМЛИГИ ҲУСУСИДА

йирик табиатга зарарли таъсир ўтказувчилар сирасига бугунги кунда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Сувсоз» трести қиради. Ачинлари томони шундаки, ҳамма корхоналар ҳам агарда табиатни асрашга йўналтирилган технологиялар татбиқ этилса товон тўлови юқларидан қутулиш мумкинлигини англаб етмаётдилар.

Хар бир корхонага ҳаво ва сувни ифлослантиришнинг, чикиндиларни чиқаришнинг муайян меъёрлари белгиланади. Агарда чикиндиларни чиқариш, ҳаво ва сувни зарарлантиришнинг норматив (лимит) микдори учун тўловларнинг йиллик суммаси бешта энг кам ойлик маош микдоридан ошмаса, мазкур корхона товон тўловларини тўлашдан озод этилиши мумкин. Экологик вазиятни яхшилашга ҳаракат қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган корхоналар учун бошқа имтиёзлар ҳам кўзда тутилган.

Масалан ишлаб чиқариш технологияси тозалаш жараёнига уйғунлаштирилган «Лок-бўёқ заводи» ОАЖ қўшма корхонаси йирик саноат корхоналаридан саналса-да, товон тўламайдиганлар қаторига қиради.

Шунингдек, оқилона тарздаги табиатни муҳофаза қилиш ишларини амалга ошираётган «Ўзабел» ОАЖ ҳамда «Совплатитал» қўшма корхоналари ҳам жуда кам микдордаги тўловларни тўлайдилар.

Пойтахтдаги 28та корхона сув манбаларини ифлослантираётганликлари учун анчайин салмоқли товон тўловларини тўламоқдалар.

— **Ўринли савол тугилади. Товон тўловларидан тушган маблағ қаерга йўналтирилади?**

— Шунинг кундан кунга таъкидлаш жоизки, кейинги икки йил ичида пойтахтда 140 мингдан ортиқ манзарали дарахтар, 125 мингга яқин арча кўчатлари, 130 минг тул мевали дарахтар, катта микдордаги терактлар ва бута қалачалари ўтказилди. Бугунги кунда шаҳримизнинг яшил майдони 152000 гектарни ёхуд пойтахт ҳудудининг 30 фоизидан ортиқ қисмини ташкил этади. 1990 йилга солиштирганда яшил ҳудудлар майдони хар бир шаҳар аҳолисига қўшиб ҳисоблаганда деярли 9,5 квадрат метрга ошди. Бектемир, Учтепа, Чилонзор ва Шайхонтохур туманлари эса ҳозирда шаҳримизнинг энг «яшил» ҳудудларидан ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб яна бир муҳим масала—янги объектларни куриш чоғида дарахтарни кесиб бўйича ўзи бераётган қандайдозарликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан. Афсуски, назорат қилиш мумкин бўлган туман ободонлаштириш бошқармаларидан ташқари, дарахтарни кесиб билан ҳамма, шу жумладан ширкатлар томонидан ёлланган ёки маҳдудлардаги мардикорлардан ташкил топган «учар бригадалар» шуғуланмоқда. Уларнинг бу борада ҳеч қандай тажрибалари йўқ. Шу сабабдан кесилишга рухсат берилганларидан ташқари, қўшимча равишда икки-учтадан соғлом дарахтарни ҳам қирқишлари мумкин. Бирок бундай ҳолатда ҳеч қимми жавобгар қилиб бўлмайди. Шунинг учун яшовчилар ҳам бундай масалаларда ҳушёрроқ бўлишлари лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Агарда биз қўлни-қўлга бериб, ҳамкорликда ишласак шаҳримизнинг яшил бойликлари қўпайиб боради, бинобарин, ҳаво ҳам мусаффолашади. Зеро, атроф-муҳит муҳофазаси йўлидаги саъй-ҳаракатларда йирик-майда масалалар йўқ. Янги технологияларни татбиқ этишдаги бошлаб яшил бойлигимиз тўғрисидаги ҳамўрликнинг ҳамма-хаммаси муҳимдир.

—Сумманинг 50 фоизи республика бюджетига, 50 фоизи эса табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига атроф-муҳитни асраш ва моддий негизни ривожлантиришга ўтказилади. Энг муҳими шундаки, корхоналар томонидан товон тўловлари ўз вақтида тўланса шу маблағлар экологик ҳолатни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар орқали уларнинг ўзларига қайтади.

— **Экологик муаммоларни ечишнинг муҳим ва долзарб масала эканлигини тушуниб етаётган корхоналар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Албатта, улар сирасига табиатни муҳофаза қилиш тўловларини бажариш режаларини муваффақиятли амалга ошираётган корхоналар қиради. «Тошиссиқлик маркази» ОАЖ, «Тошэлектросиқлик» АЖ, «Ўзбекшилоқмаш», «Ғалла-Алтег», «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ, «Тошкент лок-бўёқ заводи» қўшма корхонаси, «Тошшаҳартрансхизмат», «Тошшаҳарюк-

транс» уюшмалари шулар жумласидандир.

Ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш атроф-муҳитга чиқинди ва оқова сувларни чиқаришнинг қандай таъсир этиши масалалари билан жипис боғлиқликда ҳал қилинади.

— **Халқ тили билан айтганда, ўлка-мизга чилла қирди. Албатта, бундай жазирама кунларда ҳамшаҳарларимиз ишга боришдан олдин ва ишдан қайтаётганда кўпроқ соя-салқин ва баҳаво йўллардан юришга ҳаракат қилишади. Бинобарин, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан пойтахтимизда яшил майдонлар ва хиёбонларнинг қўпайиши учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Шунинг кундан кунга таъкидлаш жоизки, кейинги икки йил ичида пойтахтда 140 мингдан ортиқ манзарали дарахтар, 125 мингга яқин арча кўчатлари, 130 минг тул мевали дарахтар, катта микдордаги терактлар ва бута қалачалари ўтказилди. Бугунги кунда шаҳримизнинг яшил майдони 152000 гектарни ёхуд пойтахт ҳудудининг 30 фоизидан ортиқ қисмини ташкил этади. 1990 йилга солиштирганда яшил ҳудудлар майдони хар бир шаҳар аҳолисига қўшиб ҳисоблаганда деярли 9,5 квадрат метрга ошди. Бектемир, Учтепа, Чилонзор ва Шайхонтохур туманлари эса ҳозирда шаҳримизнинг энг «яшил» ҳудудларидан ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб яна бир муҳим масала—янги объектларни куриш чоғида дарахтарни кесиб бўйича ўзи бераётган қандайдозарликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишни ўринли деб биламан. Афсуски, назорат қилиш мумкин бўлган туман ободонлаштириш бошқармаларидан ташқари, дарахтарни кесиб билан ҳамма, шу жумладан ширкатлар томонидан ёлланган ёки маҳдудлардаги мардикорлардан ташкил топган «учар бригадалар» шуғуланмоқда. Уларнинг бу борада ҳеч қандай тажрибалари йўқ. Шу сабабдан кесилишга рухсат берилганларидан ташқари, қўшимча равишда икки-учтадан соғлом дарахтарни ҳам қирқишлари мумкин. Бирок бундай ҳолатда ҳеч қимми жавобгар қилиб бўлмайди. Шунинг учун яшовчилар ҳам бундай масалаларда ҳушёрроқ бўлишлари лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Агарда биз қўлни-қўлга бериб, ҳамкорликда ишласак шаҳримизнинг яшил бойликлари қўпайиб боради, бинобарин, ҳаво ҳам мусаффолашади. Зеро, атроф-муҳит муҳофазаси йўлидаги саъй-ҳаракатларда йирик-майда масалалар йўқ. Янги технологияларни татбиқ этишдаги бошлаб яшил бойлигимиз тўғрисидаги ҳамўрликнинг ҳамма-хаммаси муҳимдир.

Даврон НУРМАТОВ

ҚОНДА БУЗАРЛАРГА ЖАРИМА СОЛИНДИ

НОЗИРЛАР ТОМОНИДАН ҚОНДАБУЗАРЛАРГА НИСБАТАН СОЛИНГАН ЖАРИМАЛАРДАН ҚЎЙИДАГИЛАРНИ МИСОЛ ТАРИҚАСИДА КЕЛТИРСА БЎЛАДИ:

●«Автотеххизмат» МЧЖ корхонаси томонидан маиший чикиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмагани учун оператор Б.Худойберганаева Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91/1 моддасига асосан 30000 сўмлик жаримага тортилди.


●Авиасозлар шаҳарчаси, 7-а уйда яшовчи фуқаро Чўлиева дов-дарахтарларни ўзбошимчилик билан кесиб ташлагани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 162-моддасига асосан 12420 сўмлик жаримага тортилган.

●ООО «Олтин тақа қўшув» корхонаси директори А.Исмаилов махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз атмосферага чикиндиларни чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85/1 моддасига асосан 45000 сўмлик жарима тўлайдиган бўлди.

●«Нормухаммад ота» хусусий фирмасида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбанинг меъёрий ҳужжати ишланмаганилиги учун фирма раҳбари К.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85/1 моддасига асосан 37260 сўмлик жаримага тортилди.

●Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори ўринбосари Н.Иноғомов дов-дарахтарларни рухсатсиз кесиб ташлагани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 162-моддасига асосан 37000 сўмлик жаримага тортилди.

●«АЛПЛА Тошкент» корхонаси омбор менежери Н.Маъмурбеков нефть маҳсулотларининг тўкилганлиги ва ер ифлосланганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65/2-моддасига асосан 500000 сўмлик жаримага тортилди.



БЎШ ВАҚТ УНУМЛИ ЎТСИН

ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА ЭНГ АССОСИЙ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ТЎҒРИ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИНГ ОНГИГА МЕҲНАТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ СИНГДИРИШ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. БУ БОРАДА МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАУССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ ЖУДА КАТТАДИР. БОЛАЛАРНИ МЕҲНАТГА ЎРГАТИШ НАТИЖАСИДА ЁШ АВЛОД АЛБАТТА ҲАР ТАРАФЛАМА ШАКЛЛАНИБ ВОҒГА ЕТАДИ.

Ҳозирги кунда мактаб ўқувчиларининг ўқув йили тугаб ёзги таътил бошланган, болаларнинг бўш вақтлари

кўп. Ушбу бўш вақтлардан унумли фойдаланиш мақсади мувофиқдир.

Юнусобод туманида 12 та қонуний автомобилларни махсус ювчи шохобчалари мавжуд бўлиб, уларнинг раҳбарларига ёзги таътилда бўш қолган мактаб ўқувчиларини вақтинчалик ишга жойлаштириш борасида тавсиялар берилди ва керакли чоралар қўриб чиқилди.

Зеро, келажак авлодларимиз бўлган болаларимизга касб-хунар ўргатиш, меҳнатга қизиқтириш хар бир катта ёшдагиларнинг бурчидир.

С. МАҲАМАТОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат ноизири

Шифобахш ўсимликлар СЕМИЗЎТ

СЕМИЗЎТ СЕМИЗЎТДОШЛАР ОИЛАСИГА КИРУВЧИ БИР ЙИЛЛИК ЎСИМЛИК БЎЛИБ, БЎЙИ 35 САНТИМЕТРГА БОРАДИ. ПОЯСИ ЭТЛИ, ТУКСИЗ, ПОЯЧАЛИ ТАРВАҚЛАЙЛАБ, ЯРИМ ЁТИБ ЎСАДИ. ПОЯСИНING ПАСТИДАГИ БАРГЛАРИ КЕТМА-КЕТ, ЮҚОРИ ҚИСМИДАГИ БАРГЧАЛАРИ ЭСА ҚАРАМА-ҚАРШИ ЖОЙЛАШГАН.

Баргчалар бандис понасоним ёки кураксимон бўлиб, поячага қараб сикилган. Майда сариқ гулларни новдчаларнинг учларида ва барг қўлтиғида 2-3 тадан ўрнашган. Ранги яшил. Меваси кўп уруғли, тухумсимон ёки думалоқ кўришни кўсак. Июнь-октябрь ойларида гуллади ва уруғлайди. Семизўт кенг тарқалган ўсимликлар

тамин С(300 мг фоиз), К, қанд, алкалоид, гликозидлар, фосфор, кальций элементи бор. Семизўт қадим замонлардан бери халқ табобатида шифобахш ўсимлик сифатида ишлатилиб келинади.

Абу Али ибн Сино семизўтнинг ширасини ичдан қон кетишни тўхтатишда, қон тупуришни даволашда, шунингдек, кўз, жигар касалликларига учраган беморнинг дардида шифо сифатида ишлатган. Буюк олим шароб билан аралаштирилган семизўт бошдаги яраларни кетказиши, ундан тайёрланган дамлама эса буйрак, қовуқ ортиқлигини, жигар шомоллаганини, бачадондаги қон кетишни тўхтатиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.

Халқ табобатида семизўт хароратни босувчи, кукун ҳолдаги эса ичак яра-

лари, қонаралаш ич кетишини тўхтатувчи омил сифатида тавсия қилинади. Семизўт билан баргизубининг шарбати бавосилни даволаш учун ишлатилади.

Семизўтни куриштиб, майдалаб, сиркага қўшиб қайнатилса, ҳосил бўлган малҳам ёмон яраларга суртилади. Илмий манбаларга қараганда ўсимликнинг ер устки қисмида норадреналин таъсирига эга бўлган модда мавжуд. Шу туфайли ҳам семизўт қон томирининг торайишига сабабчи бўлиб, қон босимини ошириши хусусиятига эга эканлиги тажрибаларда аниқланган.

Семизўтни қорамол ем-хашагига қўшиб берилса, уларнинг вазни ва сирги суги ошади. Чунки семизўт таркибиде етарли даражада оқсил моддалар, 22 фоиз азотли моддалар, 1,4 фоиз клетчатка, органик кислоталар мавжуд.



ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ҚАНДАЙ?

Хурматли ҳамшаҳарлар! Фуқароларимизни қизиқтирган саволларга бугун Собир Раҳимов тумани 2-давлат нотариал идораси нотариуси Дилбар Қосимова жавоб беради.

Тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳақида билмоқчи эдик.

С.Усмонова, У.Мирхамидова, К.Бобобеков, Юнусобод, Учтепа ва Сергели туманлари.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҲИМОЯ қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон 2005 йил 14 июнда қабул қилинган.

Мазкур Фармон юзасидан тушунча беришдан аввал тадбиркорнинг ўзи ким, улар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, уларнинг қандай ташкил топиши ҳақида қисқача таъриф бериб ўтишни лозим топдик.

Якка тартибдаги тадбиркорлик деганда—юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши тушунилади.

Тадбиркорлик фаолиятига эса—тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган, тавakkal қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолият тушунилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари—белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари туман ҳокимлигининг «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» томонидан давлат рўйхатига олингандан сўнг, жисмоний шахслар юридик шахс тузмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома расмиёлаштирилиб, мазкур гувоҳнома асосида ўз фаолиятини юри-тади.

Давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари (хусусий корхоналар, МЧЖлар, микро фирмалар) таъсис ҳужжатлари ва устави асосида ўз фаолиятларини амалга оширадилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тадбиркор томонидан ҳодимларни ишга ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизиде, шунингдек, мол-мулкка эгаллик қилиш ёки ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашъвий ҳуқуқ тўғрисидаги ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизиде мустақил амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бир қатор ҳуқуқларга эга:

—қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

—мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот этиказиб берувчиларни, ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматлари) истеъмолчиларини танлаш;

—бинолар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ёки ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;

—белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва шунга ўхшаш, лекин қонунга зид бўлмаган бошқа ҳуқуқларни амалга оширишлари мумкин.

Шу билан бирга уларнинг

—ўзлари тузган шартномалардан келиб чиққан мажбуриятларни бажаришлари;

—ёлланган ҳодимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;

—ҳавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

—ўз фаолиятини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензия ва сертификатларга эга бўлишлари;

—почта манзили ва бошқа реквизитлар ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органлари, банклар ва мижозларни ўз вақтида хабардор қилишлари;

—бухгалтерия, статистика ва ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни қонун талабларига мувофиқ юри-тиб, белгиланган муддат ва тартибда тақдим этишлари шарт.

Назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҲИМОЯ қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймайлик ҳамда Республикасини Конституциясининг 53-моддасига сўзсиз риоя этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармони қабул қилинган.

Ушбу Фармон асосида 2005 йил 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилган.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади, агарда мазкур текширув натижасида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса текширув Республика бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади.

Фақатгина кўзгатишган иш юзасидан текширишни тайинлаш ҳақидаги қарор ёки назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга йўл қўйилади.

Фармонда муқобил текширувларни ўтказиш вақтида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширувга тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Кўп йиллик иш тажрибасидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, якка тартибдаги тадбиркорлар, тадбиркорлик фаолияти субъектлари юқорида кўрсатилган ўзларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини яқши бил



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Хар кунинг завқи, севинчи ўзгача, Хар даминг дарди, овулчи ўзгача.

Хар нафасда бир азиз меҳмондайин, Бир фикр кўнглингга келгайдир тайин.

Фам агар шодлик йўлини тўсгуси, Чекма фам, янги севинчлар ўсгуси.

Айланур гардун, бу ишқандир ҳамон, Бўлмаса ишқ, балки бўлмасди жаҳон.

Кимки ошиқ унга хоҳишдир камол, Бўй чўзиб, кўларга талпингай ҳилол.

Жанг хаёли кўрқитолмас кимсани, Жангдин олдин ким дегай ботир сани.

Бир гуноҳ қолмас жаҳонда бежавоб.

Ким тилайдир ўзгаларнинг ёрени, Ўзгаларга эш этар дилдорини.

Ўзгаларнинг ёрига кўз солганинг, Сен даюсликни бўйинга олганинг.

Гар заҳарлайдир заҳарлар дам-бадам, Бор заҳарларнинг неча тарёки ҳам.

Бул жаҳон жангдирки, кўнги, найлагай, Зарра бирлан зарра ҳам жанг айлагай.

Халқ биноти зиддиятлар рангида, Биз мудом фойда-зиёнлар жангида.

Кўр ўзингда қанчалар жангу сурон, Ўзгаларнинг жангини кўй, эй фалон.

Васл ила топгай яқун ҳажру фироқ.

Зиддиятлар ичра кўр ҳар зотни.

Маънавият денгизин кўр ҳар нафас.

Сўзки нозик тортиди, лозиммас қалов, Бас, қалаштирма, пасайтиргил олов.

Ойданам таъсирлироқ эрмасму нон? Эй басо нонким, кўпоргай танда жон.

Яхшилик келгай, агарда изланур.

Оқ қанотлар қарчиғай гар беназир, Сичқон овлар эрса, тубандир, разил.

Гар қаро кузгун севар подшони, бас, Энди ул лочин эрур, кузгун эмас.

Одамий бир тос хамирдек қад билан Кўқданам юксак, кўшдан ҳам баланд.

Жон не эрмиш? Хайру шаррдин воқиф ул,

Манфаатдин шод, зиёндин йиғлаюр.

Ул ёмон кўзларки, ўқдек санчилар, Солдилар дилга яролар қанчалар.

Жонни илдиздин кўпоргай иккилик.

Ўйланишлар—улми яхши ёки бул? Кўнги ичра бир омонсиз жанг эрур.

Барча беҳудликни истар бир йўла, Ёки мастлик, ёки машғуллик ила.

Бул маконнинг молу мулки, атласи, Шодумон жонларга занжирдир басы.

Деди хўжа: мол-бисотинг бевафо, Келса кундуз, кеча бўлгайдир адо.

Хусну суврат ҳам омонат, эй дариг, Бир тикан чехрангни этгайдир сариг.

Ҳеч эрур наслу насаб ҳам бегумон, Молу мулкка гарра бўлмоқлик ёмон.

Дахр аро бойваччалар бордир расо, Ота-она бошига дарду бало.

Тан давоси ўнгламас дил дардини.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«ЎЗБЕКИСТОНДА КАТТА ОПЕРА МАКТАБИ ВА МУМТОЗ МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ МАВЖУД»

Уэльс пойтахти - Кардиффа «BBC CARDIFF SINGER OF THE WORLD» ЁШ ОПЕРА ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ НИХОЯСИГА ЕТДИ. УШБУ ТАНЛОВ 1983 ЙИЛДАН БУЁН ҲАР ИККИ ЙИЛДА БИР МАРОТАБА ЎТКАЗИЛАДИ. ЎЗ ВАҚТИДА ДМИТРИЙ ХВОРСТОВСКИЙ, БРИН ТЕРФЕЛ, ДЭВИД МАЙЛЗ, КАРИТА МАТТИЛА КАБИ ТАНИҚЛИ ОПЕРА ИЖРОЧИЛАРИ АЙНАН КАРДИФФНИНГ СЕНТ-ДЭВИС ХОЛЛ САҲНАСИДАН ЎЗ ФАОЛИЯТЛАРИНИ БОШЛАШГАН.

Бу йил Кардифф опера танловида биринчи маротаба мамлакатимиз вакили - Дмитрий Варгин иштирок этди.

У Самарқандда туғилиб, давтавал, ўша ердаги мусиқа билим юртида таҳсил олди. Сўнгра Ўзбекистон Давлат консерваториясини, шунингдек, Гамбург мусиқа ва театр академиясини тамомлади. Айни пайтда Доссельдорфдаги Рейн операсида фаолият кўрсатаётди.

Кардиффдаги опера танловида дастлабки босқичдаёқ жиддий ва қатъий саралаш ўтказилади. Ҳақамлар бутун дунёдан иштирок эта-

диган 700 нафардан зиёд иштирокчи чиқишларини тинглаб, улар орасидан фақат 25 нафар жуда истиқболли ҳисобланган ижрочини танлаб олишади.

Ўзбекистонлик Дмитрий Варгин Кардиффдаги «Сент-Дэвис Холл» сахнасида мураккаб дастурни - Шарл Гунонинг «Фауст» операсидан Валентина лирик арасини, сўнгра Ф.Мендельсоннинг шу номдаги ораториясидан Илья Фоживий ашуласини ижро этди. Дмитрийнинг учинчи чиқиши - Моцартининг «Севилга нарлар мактаби»дан Гульельмо комик арияси жамоатчилиқнинг алоҳида эътибори-

га сазовор бўлди. Бинобарин, бу ижроларнинг барчаси ватандошимиз томонидан юксак маҳорат ва зўр ҳаяжон билан ижро этилган эди.

«BBC Cardiff Singer of the World» танлови доирасидаги чиқишларни Буюк Британиядаги кўплат теле- ва радиоканаллар, шунингдек, матбуот нашрлари кенг ёритди. Д.Варгин чиқишини мусиқа экспертлари ҳамда ҳақамлар ҳайъати аъзолари юқори баҳолашди. Махаллий мусиқа танқидчилари томонидан таъкидлаганидек, «Кардифф опера танловида Ўзбекистон вакилининг иштироки

ушбу мамлакатда кучли опера мактаби ва мумтоз мусиқа аъёнаналари мавжудлигидан далолатдир».

«BBC-Wales» бош муҳаррири Дэвид Жексоннинг айтишича, «Махаллий жамоатчилик истеъдодли ўзбек кўшиқчисига қойил қолди. Шубҳасиз, унинг фаолиятида улкан юксалиш кўтилмоқда. Зеро, Кардифф бошқа кўпгина ёш ижрочилар учун ҳам таянч вазифасини ўтаган».

Дмитрий Варгин танловдан сўнг берган интервьюсида қуйдаги фикрларни билдирди: «Ушбу машҳур танловда Ўзбекистонни намояндаларимиз жуда фахрландим. Уэльс пойтахтидаги мазкур халқро маданий тадбирда иштирок этаётган 25 мамлакат вакиллари байроқлари орасида юртимиз байроғининг хил-пираб тургани менга ўзгача куч ва илҳом бағишлади, десам сира муволафа бўлмайди. Қаерда бўлмасин менга Ўзбекистон мумтоз мусиқа мактаби ўргатган энг яхши жиҳатларини намойиш этишга ҳамisha ҳаракат қиламан».

«Жаҳон» АА Лондон

ШАРҚДА АЗАЛ-АЗАЛДАН ОИЛА ДЕБ АТАЛМИШ МУҚАДДАС ГЎША МАЪНАВИЯТ ЎЧОГИ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСКАНИ ҲИСОБЛАНАДИ. ОИЛА СОҒЛОМ ВА МУСТАҲҚАМ БЎЛСАГИНА, МАҲАЛЛАДА ТИНЧЛИК ВА БАҲАМЖИҲАТЛИККА ЭРИШИЛАДИ. ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ ЎЗАГИ ВА НЕГИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. У ҲАР БИР ХАЛҚ, МИЛЛАТНИНГ БАРДОВОМЛИГИНИ САҚЛОВЧИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ, АВЛОДЛАР ЎРТАСИДАГИ РИШТАЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛОВЧИ МАЪНАВИЙ ЕТУҚ, АХЛОҚАН ПОҚ, РУҲАН СОҒЛОМ ВА ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛОВЧИ ИНСОНЛАРДАН ТАРКИБ ТОПГАН ИТТИФОҚДИР.



Анжуманлар

ОИЛА — МУҚАДДАС МАСКАН

Маълумки, бугунги кунда оила ва унинг муаммолари доимо давлатимиз, жамиятимиз эътибор марказидадир. Жумладан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам инсон ва унинг келажагига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ажойиб намунаси сифатида мустақил мамлакатимиз тарихи зарваракларида муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Яқинда мазкур Фармон ижросини ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустанлигимизнинг 16 йиллиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлал Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Чилонзор юрист аёллар жамоа бирлашмаси, Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси ва мазкур боғ жамоаси ҳамкорлигида «Оила сирлари ва муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, бугунги кунда оила ва унинг муаммолари доимо давлатимиз, жамиятимиз эътибор марказидадир. Жумладан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам инсон ва унинг келажагига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ажойиб намунаси сифатида мустақил мамлакатимиз тарихи зарваракларида муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Яқинда мазкур Фармон ижросини ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустанлигимизнинг 16 йиллиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлал Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Чилонзор юрист аёллар жамоа бирлашмаси, Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси ва мазкур боғ жамоаси ҳамкорлигида «Оила сирлари ва муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарни Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари ўринбосари Музаффар Жаъфаров олиб борди. Шунингдек, анжуманда Республика юрист аёллар жамоа бирлашмаси ижрочи директори, фалсафа фанлари номзоди, профессор Жамила Шермухамедова «Оиладаги зиддиятли жараён ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида», Тошкент шаҳар бош имом хатибининг хотин-қизлар иши бўйича ўринбосари Озода Тулаганова «Аёлларнинг жамият ва оиладаги ўрни», шаҳар 2-Перинатал маркази раҳбари Маъмура Юнусова «Оила саломатли-

гининг ҳуқуқий қафолати» ва бошқалар шу каби мавзуларда сўзга чиқдилар.

—Оила жамиятнинг асосий бўғини, меҳр-муҳаббат масканидир. Оила муқаддас гўша ҳисобланади,—деди Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содикова.— Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва унинг моҳиятини кенг халқ оммасига етказишдан иборат. Анжуманни «Оила сирлари ва муаммолари» деб аталишига сабаб оилада турли хил муаммолар учрайдиганлигида. Фармонда келтирилган ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар мана шу муаммоларнинг ўз ечимини топишида ёрдам беради, деб уйлаймиз. Албатта Фармонда кайд этилган гапларни биз мутасадди раҳбарлар жойларда кенг оммага, ёшларга кенгроқ ва батафсил тушунтиришимиз зарур. Токи ёшлар бунинг мазмун-моҳиятини, мақсадини тушуниб, ўзлари учун керакли масалаларни ҳал қилиб, фаровон ва бахтли турмуш кечирсинлар. Зеро оила тотувлиги, фаровонлиги жамият тараққиётига замин яратади.

Анжуман амалий машғулот, бахш-мунозаралар, очик мулоқот тарзида якунига етиб, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: анжумандан лавҳа

Мунажжим башорати

ЎЗ АЙБИНИГИЗНИ БИРОВЛАРГА ЙЎЙМАНГ

29 ИЮНЬ, ЖУМА
Кўёшнинг Эгизаклар буржи 8-даражасида бўлиши жамоатчилик фикрини сохталаштириш ҳамда ўз айбини атрофдагиларга йўйиш истаги устуворлиги билан боғлиқ бўлади. Бугун инкирозли муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш талаб қилинади. Ҳамма ишни аниқ ва тез бажариш керак. Болаларга албатта эътибор қилиш, уларга ўқишларида, хат-саводларини оширишда ёрдам бериш даркор.

Ой тақвимида бугунги кунга янги ишларни бошлаш учун жуда хайрли келади. Таълим ва ўз билимини оширишда, адабий ва журналистик меҳнатда катта омадларга эришиш мумкин. Уйингизга бирон қўшининг учиб кириб қолиши ёқимли тухфа келишидан хабардор қилувчи аломатдир.

БУГУН:
— бошлага кўйган ишларингизни давом эттириш;
— ўзингиз яхши билган масалаларни ҳал этиш билан шуғулланиш;
— ўз нуфузингиз ва мавқенингиз ҳақида қайғуришингиз;
— молиявий ва хизматга оид муаммоларни ҳал этиш;
— мақсадга эришиш учун бутун кунингизни сарфбар этишингиз тавсия этилади.
Енгил келган муваффақиятдан, омадингиз юришишга умид боғлашдан, хушомад қилиш, ўз ҳиссиётларингизни эътироф этишдан эҳтиёт бўлинг.
Ёрқин, кўзга аққол ташланадиган ранглардаги кийимларни танланг.

«01»

ҚАЧОНГАЧА БЕПАРВО БЎЛАМИЗ?

ШАҲРИМИЗНИНГ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШИБ, ЧИРОЙИНИ ОЧИБ БОРАЁТГАН БИНОЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ КУНДАН КУНГА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ҲОЗИРГИ КУНДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ИМОРАТЛАР БУНДАН 10-15 ЙИЛ ОЛДИН ҚУРИЛГАН БИНОЛАРГА АСЛО ЎХШАМАЙДИ.

Ҳозирда қурилишларда илгор тажрибалар, фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда, хориждан келтирилган ёки Республика мида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли қурилиш материаллари ишлатилмоқда. Бу пластмасса эшигу ромлар, черепица русумли тунука, пластмасса қопламалар ва пардозлаш материаллариридир.

Афсуски, шунга қарамадан ҳозирги кунда шаҳримизда айрим фуқаролар томонидан ўз манфаатлари ва ўзи учун қулай яшаш тарзини ўйлаб, ён-атрофида истикомат қилаётган кўнги-кўшиларни менсимасан ҳолда ҳамда мутасадди ташкилотлар билан керакли бўлган ҳужжатларни расмийлаштирмай, ёнгина қарши меъёр қоида талабларига риоя этмай марказий йўллар атрофида, турар жой бинолари ёнларида, бозорларда ва пиёдалар ер ости ўтиш йўлларида хар хил турдаги савдо, маиший хизмат кўрсатиш нукталари, ошхона, кафе масканлари, маҳаллаларда сунъий тўсиқлар, автомобиль сақлаш жойлари, новвойхона, сомсахона, дорихона ва яшаш уйларида қўшимча хоналар барпо этилиб, фойдаланилиши ҳолатлари рўй бермоқда.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида кайд этилган ноқонуний қурилган иншоотлар фуқароларнинг бемалол ҳаракат қилишига, факулдада вазиятлар юзага келган вақтда фуқароларни ўз вақтида қутқаришга, ўт ўчириш ва тез ёрдам авто-мобилларининг ўз вақтида жоёга жойига етиб боришига тўсқинлик қилиши, атрофда юзага келган вазиятнинг кескинлашувига олиб келмоқда.

Хўш, ноқонуний қурилиш деганда нимани тушунаимиз? Ноқонуний қурилишга, ҳудудий ҳокимият томонидан қурилишга ер ажратилмаган ёки қурилишга вақтинчалик рухсат берилмаган, лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган, керакли ташкилотлар билан келишилмаган, ёнгина қарши меъёр қоида талабларига жавоб бермайдиган нукталар кирди.

Юқорида келтириб ўтилган салбий вазиятларни яхшилаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2005 йил 26 апрелдаги «Шаҳарларда йўл қурилишини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва жорий йилнинг 29 апрель кундаги «Ўзбекистон Республикаси вилоят (шаҳар) ва туман марказлари қурилишида «шаҳарозлик» меъёр ва қоида талабларига риоя қилиниши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қарорида қурилган йиғилиш баённо-

маси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ҳузурида 2007 йил 24 апрель кун бўлиб ўтган тезкор йиғилишининг 32-сонли фармойиши талаблари ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳрида ноқонуний қурилишларни аниқлаш борасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш ва ушбу йўналишдаги вазифалар билан шуғулланаётган ходимларнинг бу борадаги масъулиятларини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ ва унинг қуйи тизим хизматлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳри ҳудудида содир бўлган 549 та ёнгинлардан 149 таси хусусий турар жойларга тўри келади ва 27 фоизини ташкил этади. Содир бўлган ёнгинлар оқибатида 9 фуқаро ҳалок бўлган, ўнта фуқаро хар хил турдаги тан жароҳатлари олишган.

Тахлилларга мувожаат қилган ҳолда, хусусий уй-жойларда ва маҳаллаларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларга жиддий қаралишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Д.РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ
МТЭБ катта муҳандиси,
майор

Футбол

ОЧКОЛАР, НАТИЖАЛАР

МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 14-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ТУРНИР ҲАВВАЛИДА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛАЁТГАН ЖАМОАЛАР—«ПАХТАКОР», «НЕФТЧИ» ҲАМДА «ҚУРУВЧИ»ГА МУҲИМ ОЧКОЛАРНИ ТУҲФА ЭТДИ.

Шуниси эътиборлики, Вобкентда «Вобкент» жамоасини «Пахтакор» 3:1 ҳисобида мағлуб эта олган бўлса, Анди-жонда совринли ўринлардан

бирига даъвогарлик қилаётган «Андижон» жамоасини олий лиганинг янги вакили «Қурувчи» 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. «Қурувчи» муҳлисари-

га қувончи онларни Жасур Ҳасанов ва Владимир Шишеловлар аниқ зарбалари туфайли ҳада этишди.

Чемпионат голибига асосий даъвогарлардан бири «Нефтчи» ўз майдонидан «Тупаланг» устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Колган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Машъал»—«Қизилқум»—4:0, «Локомотив»—«Бухоро»—1:3, «Шўртанг»—«Насаф»—0:1, «Трактор»—«Самарқанд»—Динамо—1:2.

Шахмат

МАҲОРАТИНИ КЎРСАТДИ

РОССИЯДА ТЕЗКОР ШАХМАТ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲАМЮРТИМИЗ СЕРГЕЙ ЗАГРЕБЕЛНИЙГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Турнирда Россия, Ўзбекистон ва Перу мамлакатларидан келган «ақл гимнастикаси» усталари ўзаро беллашдилар. Ҳар бир партия учун 25 дақиқа вақт ажратилган бўлиб, ҳамюртимиз

Сергей тезкор шахматда анча маҳоратли спортчи эканлигини исботлади. Ва турнирда иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Яққасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамда «Тоштўқимачи» тиббиёт-санитария қисми жамоаси, «Тоштўқимачи»нинг жарроҳлик бўлими жарроҳ шифокори Абдурашид Эшматович Воҳидовга онаси Бибинор ХУЖАМҚУЛОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шаҳар» нашрийт-матбос ақсардорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 12.51